

УРГАЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВИНИ РЎ.03/28.08.2020.155.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КҲИ АИИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИЕВ ТЕМУР МУРАТОВИЧ

**САҲОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ**

ИИ.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодий фанлари бўйича филозофия доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

УДК: 330.115:319(578-1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мушарриҳис

Оглавиши автореферата диссертация доктора философии (PhD) по
экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences

Таджиев Тимур Муратович
Саноат индустриал чикаришнинг ривожлантиришнинг эконометрик моделлари . . . 3

Таджиев Тимур Муратович
Эконометрические модели развития промышленного производства25

Таджиев Тимур Муратович
Econometric models of industrial production development 47

Эълон қилган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 51

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ
КОРАҚАЛШОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДЖИЕВ ТИМУР МУРАТОВИЧ

САНОАТ ИНДУСТРИАЛ ЧИКАРИШНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИ

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4PhD/Iqt1158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urd.uz) ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим портали (www.ziyouet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Илос Султанович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Рузметов Бахтияр
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Отжанов Умид Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи таъкилот: Тошкент тўқямачилик ва ситил саноат институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «25 сентябрь соат 14:00» даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси - 14. Тел.: (998-62)224-6700; факс: (998-62)224-6700; e-mail: info@urd.uz).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин @Илмий билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси -14. Тел.: +998 93 9227734, e-mail: info@urd.uz.


Диссертация автореферати 2021 йил «7 сентябрь» кунин тарқатилди.

(2021 йил «7 сентябрь» даги 3 рақамли реестр баённомаси).




О.К. Хотамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б, и.ф.д.


Ш.Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент


Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссиясидаги илмий семинар раиси, и.ф.д. профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган иқтисодий жараёнар, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фойдаланилаётган дастурлар, ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган давлатнинг иқтисодий сиёсат стратегиялари самарали саноат стратегиясини амалга оширишга қаратилган. Масалан, АҚШ саноат ишлаб чиқариши ҳажми иқтисодиёт саноат тармоғига бирлаштирилган тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари билан белгиланади. Саноат ишлаб чиқариши энг муҳим соҳа ҳисобланиб, умумий ишлаб чиқаришнинг 78 фоизи унинг улушига тўғри келади¹. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда саноатни ривожлантиришда минтақа салоҳиятидан самарали фойдаланиш, инновацион ишланмалар салмоғини ошириш, саноатнинг янги, истиқболли тармоқларини устувор ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришнинг илмий таъминоти алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада унинг эконометрик таъминоти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатда иқтисодий конъюнктуранинг ноаниқлиги иқлим ва экология ўзгаришларининг салбий оқибатлари, ички ва ташқи омиллар таъсири, рақобатбардошликни ошириш ва мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланиш асосида минтақалар мутаносиб ривожланишини таъминлашнинг услубий ёндашувлари йўналишидаги тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида минтақавий иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ҳамда ҳудудларнинг бой иқтисодий салоҳиятларидан саноатни ривожлантиришда самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз минтақалари орасида Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг бой минерал хомашё ресурслари, ер ва сув захираларининг чеklangанлиги, халқаро аҳамиятга эга Орол денгизи муаммолари билан ажралиб туради. “Биз бор куч ва имкониятларимизни ишга солиб, Орол бўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича ҳаракатларимизни кучайтираемиз”². Бу ҳолат саноатни ривожлантиришда минтақада мавжуд табиий-иқтисодий салоҳият афзалликларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий омиллар таъсирини камайтиришга йўналтирилган узок муддатли стратегияни ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш бўйича илмий изланишлар қўламини кенгайтиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»га оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон “Ҳудудларни комплекс

¹ <https://data.worldbank.org/indicator/NV.IND.MANF.ZS?locations=CN>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. 2018 йил, 28 декабр

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашга доир устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақада саноатни ривожлантиришда иқтисодий муаммоларни илмий ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари доимо иқтисодчи-олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатларига, хусусан, мамлакатни саноат сиёсати масалаларига хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Венаблес, Х.Гленн, П.Кругман, Б.Роберт, М.Фужита, Б.Шаун, М.Эврайтлар жуда катта ҳисса қўшганлар³.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, О.Г.Дмитрисева, Н.Зубаревич, С.В.Казанцев, И.Н.Меренкова, А.Н.Носов, О.И.Пантелеева, Д.Сеник, Л.А.Серебрякова ва бошқалар минтақавий-иқтисодий ривожланишининг назарий масалалари, худудда саноат салмоғини ошириш, унинг тармоқларида рақобатбардошликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар⁴.

³ Roberts V. National and regional corporate spatial structure / V. Roberts, A. Murray // *The Annals of Regional Science*. 2002. Vol. 36.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. *The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade*. - The MIT Press, 2001. P. 384. Enright M. *The Geographical Scope of Competitive Advantage // Stuck in the Region? Changing scales for regional identity* / Ed. By E. Drievn, J. Groenewegen and S. van Hoof. Utrecht, 1993. P. 87-102. B. Shaun and H. Glenn. *Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications*. London: Palgrave Macmillan, 2003. P. 272.

⁴ Гранберг А.Г. *Основы региональной экономики*. М.: ГУ ВШЭ, 2003. - 52 с.; Гаджиев Ю.А. *Зарубежные новые теории регионального роста и развития // "Корпоративное управление и инновационное развитие Севера"*. Вестник Сыктывкарского государственного университета. 2008 №2; Дмитрисева О.Г. *Региональная экономическая диагностика*. СПб.: Изд-во СПб. Университета экономики и финансов, 1992.; Зубаревич Н. *Региональное развитие и институты // Экспертный портал Высшей школы экономики "Открытая экономика"* - ОРЕС.ру; Казанцев С.В. *Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности // Регион*, 2004, №1; Меренкова И.Н. *Диагностика уровня развития сельских территорий // "Региональная экономика: теория и практика"*, 2010, №24; Носов А.К. *Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной целью поставок // "Логистика и управление цепями поставок"*, 2009, №6; Пантелеева А.П. *Применение индикаторов устойчивого развития на региональном и муниципальном уровнях // "Региональная экономика: теория и практика"*, 2010, №22; Сеник Д. *Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // Регион: экономика и социология*,

Ўзбекистонда ҳам минтақада саноатни ривожлантириш ва уни бошқариш, саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари иқтисодчи олимларнинг бу борадаги илмий кизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, худудий саноат мажмуаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш, минтақаларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни худудий жойлаштириш ва бошқариш, мамлакат минтақалари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш каби масалалар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б.К.Кобулов, С.С.Гуломов, Т.Шодиев, Т.М.Ахмедов, А.М.Кадиров, Б.Б.Беркинов, Ш.Х.Назаров, Б.Рузметов, А.М.Содиқов, Н.Махмудов, Ф.Т.Эгамбердиев, И.С.Абдуллаев ва бошқаларнинг илмий изланишларида кенг ўрин олган⁵.

Юқорида келтирилган олимлар томонидан таклиф этилган мавзуга оид эконометрик моделларда саноатнинг тармоқ ва худудий таркиби орасидаги боғланишлар тўлалигича ҳисобга олинмаган. Муаллиф томонидан таклиф этилган эконометрик ва иқтисодий-математик моделлар тизими, юқорида айtilганлар билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини белгилаб беришга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-1 “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал ҳамда

2005, №2; Серебрякова Л.А. *Методы оценки уровня социально-экономического развития регионов // Вестник СевКавГТУ, серия "Экономика"*, 2003, №3.

⁵ Гулямов С.С. *Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов*. Т.: Фан, 1980. - 194 с.; Садыков А.М. *Основы региональной экономики: теория, методология, практика // Монография*. Т.: IQTISOD - MOLLYA, 2005. - 280 с.; Рузметов Б. *Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис. докт. экон. наук*. Ташкент, 1998; Ахмедов Т.М. *Перспективное планирование, применение математики в экономических исследованиях*, М. Мысль, 1965; Пелих А.С., Терехов Л.Л., Терехова Л.А. *Экономико-математические методы и модели в управлении производством*. Ростов Н/Д: «Феникс», 2005. — 248 с.

Зиядуллаев НС; Попов Р.А. *Оценка эффективности научно-технических новаций в промышленности и капитальном строительстве в условиях волатильности экономической среды // журнал Экономика строительства*. 2015 г. №4, стр 17-23. <http://www.ips-ras.ru/articles/ivshd15-04.pdf> Гулямов С.С., Абдуллаев А.М. и др. *Прогнозирование и моделирование национальной экономики*. / Под редакц. ОС Гулямова. - Т.: Фан ва технология, 2007; Шодиев Т.Ш. *Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. докт. экон. наук*. -Т.: ТГУУ, 1988. -380 с.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н. *Бизнес-книжечный бахаллаш. Усув қулашима*. / И.ф.д, проф. Б.Ю.Ходиев тахрири остида. -Тошкент: Фан, 2006. -228 б.; Кобулов В.К. *Алгоритмизация в социально-экономических системах* -Ташкент: Фан, 1998. - 320 с.; Ё.Абдуллаев. «Регионал иқтисодиёт самарадорлиги статистикасидаги муаммолар» иқт. фан. док. дис. - М.: МЭСИ, 1987 й; Р.Х.Алимов ва бошқ. - Корхонларда инвестицалардан самарали фойдаланиш жараёларини эконометрик моделлаштириш. *Усув қулашима*-Т.: «Fan va technology», 2014; 104 бет.; Гулямов С.С., Салимов Б.Т. *Моделирование использования и развития производственного потенциала региона*. -Т.: Укутгучи, 1995. -154 с.; Н.Махмудов. *Ижтимоий-иқтисодий жараёларни прогноз килиш. Усув қулашима*. - Т.: «Иқтисодиёт», 2012 й; Рауфов Д.М. *Введение в динамику общего экономического равновесия. Учебное пособие*. - Ташкент, изд. ТГУУ, 2006. -С-88.

№А-2-135 “Минтақа иқтисодий тизимини эконометрик моделлаштириш” мавзuidaги амалий (2017-2020 йй.) лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минтақада саноат таркибини такомиллаштириш ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишга тизимли ёндошувни асослаш;

минтақада саноатни ривожлантиришни замонавий эконометрик моделлар асосида прогнозлашнинг илмий услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини асослаб бериш;

мамлакат саноатида Қорақалпоғистон Республикасини ўрни ва асосий ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш;

Қорақалпоғистон Республикаси саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш;

минтақада саноат корхоналарини ривожлантиришнинг солиштирма эконометрик моделларини тузиш ва самардорлигини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида саноатни оптимал эконометрик моделлар асосида ривожлантириш истикболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг саноат тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Қорақалпоғистон Республикасининг саноати, саноат ишлаб чиқариш тармоқлари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва ҳудудий ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, комплекс, киёсий таҳлил, гуруҳлаш, монографик ҳисоблаш, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантириш туманларнинг рақобатбардошлик афзалликлари ва киёсий устунликларини белгиловчи истикболли ишлаб чиқариш соҳаларини аниқлаш асосида ишлаб чиқилган;

минтақа саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини кўп омилли эконометрик моделларини тузиш ва уларни самардорлигини детерминация коэффициенти ва статистик мезонлар ёрдамида баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

минтақада комплекс сонли эконометрик моделлаштириш асосида саноат маҳсулотларини қайта ишлашнинг кўп босқичли тизимини йўлга қўйиш ҳисобига етакчи тармоқларда қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқлари ривожланишнинг комплекс сонли эконометрик моделларини минтақадаги экологик, ижтимоий-иқтисодий вазиятни эътиборга олган ҳолда тузиш асосида 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси саноат тармоқларини ривожлантириш йўналишлари аниқланиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилган;

минтақада саноат тармоқларини ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилиб, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ўсиш нуқталари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

минтақа иқтисодининг саноат тармоқлари бўйича устувор йўналишларини аниқлаш алгоритмик дастурлари ишлаб чиқилган;

минтақа устувор саноат тармоқларининг инвестициявий жозибadorлиги “McKinsey & Co” услубияти асосида баҳоланган;

саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмлари “тармоқ” ва “ҳудуд” тамойиллари асосида таҳлил қилиниб, истикболлари тузилган комплекс сонли эконометрик моделлар ҳамда VAR усули ёрдамида прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги фойдаланилган ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгаши амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, тегишли хулосалар минтақани мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақа доирасида саноатни ривожлантириш бўйича тузилган эконометрик моделлардан миллий ва минтақавий йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган институтлар ва олимлар томонидан кенг фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган миқдорий усуллар ва илмий хулосалардан ҳудудий саноат тармоқларининг ривожланиш тенденциясини баҳолаш, ҳудуд саноати ривожланишининг келгуси вариантларини ҳамда турли иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишда ва узок муддатли ривожлантириш истикболларини белгилаш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қорақалпоғистон Республикаси саноатини ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари кесимида саноатни ривожлантиришнинг киёсий устунликларини белгиловчи мезонлар бўйича табақалаштирилган истикболли ишлаб чиқариш соҳаларига оид таклифи

Қорақалпоғистон Республикасини 2019-2021 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 03/1486-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги қиёсий устуликлари асосида истиқболли соҳалари аниқланиб, sanoatни ривожлантиришни манзиллиги ва мақсадлилиги даражасининг ошиши ҳисобига sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ўсишига хизмат қилган;

Қорақалпоғистон Республикаси sanoat ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий ёндашуви ишлаб чиқариш омилларининг минтақа sanoat салоҳиятига таъсирини баҳолаш асосида такомиллаштирилганлиги бўйича тақлифдан минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада қолаётган туманларни аниқлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 03/1486-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туманларни аниқлаш ҳамда уларда sanoat ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самардорлигини ошириш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикасида sanoat тармоқларида кўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш борасидаги тақлифдан кичик sanoat зоналари, ўзини нуқталари, эркин sanoat зоналарини ташкил қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 03/1486-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида 14,1 трлн. сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулот яратилган;

тузилган комплекс сонли эконометрик моделлар асосида Қорақалпоғистон Республикасида sanoat тармоқлари ривожланишининг прогностик, оптимизацион босқичларини жорий этиш бўйича тақлифлар Қорақалпоғистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 27 ноябрдаги 03/1486-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида минтақани ўрта ва узоқ мудатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда sanoatни барқарор ривожлантириш омиллари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мўлжалларининг аниқлиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мамлакат фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг янгиллиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Минтақада sanoatни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида sanoatни миллий иқтисодиётдаги ўрни ва уни ривожлантириш йўналишлари, минтақада sanoat ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш омиллари, минтақада sanoatни ривожлантиришни эконометрик моделлар асосида прогностлашнинг услубий асослари тадқиқ этилган.

Таҳлилларга кўра, ривожланаётган ва янги индустриал давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур давлатлардаги иқтисодий муваффақиятларнинг аксарияти sanoatда, айниқса, қайта ишловчи sanoatда чуқур таркибий ўзгаришлар билан изоҳланади⁶. Кўпгина тадқиқотларда аниқланишича sanoat тармоғининг ривожланиши иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади ва аксарият тадқиқотлардаги мазкур фикр, айнан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан sanoatда инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятининг юқорилигини аниқлатади. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига сабаб бўлади, натижада иқтисодий ўсиш таъминланади⁷.

Ҳозирги даврда sanoat бозор мувозанатини таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардорлиги ва аҳоли даромадларини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш каби масалаларни самарали ечиш имкониятини яратади. Таҳлиллар кўрсатишича, қайта ишловчи sanoatда битта иш ўришининг

⁶ UNIDO. Industrial Development Report 2016. The Role of Technology and Innovation in Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria, 2015. <http://www.unido.org>.

⁷ Lall S. (2009). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim, L. and Nelson, R.R., Cambridge: University Press.; Scrimai, A., and Verspagen, B. 2011.


яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўринларининг яратилишига олиб келади⁸.

Мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” амалга оширилмоқда.

Стратегиянинг учинчи йўналиши 3.2 бандида “Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш” вазифаси белгиланган бўлиб, буида минтақаларда саноатни барқарор ривожлантириш, янги саноат корхоналари ташкил этиш, экспорт ва саноат салоҳиятини юксалтириш орқали минтақа иқтисодиётини комплекс ривожлантиришга эътибор қаратилган⁹.

Бугунги кунда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг барча имкониятларига эга Қорақалпоғистон Республикасида саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб иқтисодий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январ ПҚ-2731-сонли қарори билан Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чоратadbирлар комплексини амалга ошириш мақсадида “2017- 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури” тасдиқланди¹⁰. Тадқиқотда муаллиф томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун унинг тармоқ таркибини такомиллаштириш ташкилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Қорақалпоғистон Республикасида саноат таркибини такомиллаштириш ташкилий иқтисодий механизми¹¹

Ташкилий-иқтисодий механизмни асосий йўналишлари қилиб минтақавий саноат сиёсатини шакл ва усулларини қўллаш, замонавий эконометрик моделлар ёрдамида минтақада саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, саноатни ривожлантиришни минтақавий, ҳудудлараро ва халқаро лойиҳаларини ишлаб чиқиш, саноат корхоналарини тармоқлараро интеграцияси ва кооперациясини ташкил этиш, саноат тармоқларини ривожлантиришга мақсадли инвестицияларни йўналтириш, давлат, тармоқ, ҳудудий дастурларини амалга ошириш, мулкни турли шакллари бўлган давлат, хорижий, хусусий, давлат-хусусий шерикчилиги

⁸ Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

⁹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўғрисида. www.lex.uz.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январ ПҚ-2731-сонли қарори. “2017- 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури”

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

имкониятларидан фойдаланиш, рақамли иқтисодиёт, инновацион технологияларни жорий этиш белгиланган.

Тадқиқотда шу асосда, минтақа саноат ривожланишини мувофиқлаштиришнинг ташкилий-институционал омиллари аниқланган:

- саноат корхоналарини минтақа ҳудудларида оқилона жойлаштириш;
- минтақа чегарадош ҳудудларида эркин савдо зоналари, саноат паркларини ташкил этиш;
- минтақада кичик ва ўрта бизнес вакилларини жалб қилган ҳолда нодавлат саноат марказлари, фондлари, уюшма, иттифок ва бошқаларни ташкил этиш;

- хорижий фондлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда минтақа саноат корхоналари маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

Ушбу омиллар саноат ривожланишини таъминлашда иқтисодий механизмлардан кенгрок фойдаланишни кўзда тутлади. Бу механизмлардан самарали фойдаланиш мамлакат ва минтақа миқёсида саноатни ривож учун қулай макроиқтисодий муҳитнинг шаклланишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантириш тенденциялари ва салоҳияти”** деб номланган иккинчи бобида мамлакат саноатида Қорақалпоғистон Республикасини ўрни ва асосий ривожланиш тенденциялари, минтақа саноатининг ҳудудий ва таркибий салоҳияти, Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантириш стратегиясини асосий йўналишлари ва уларни эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш усуллари очиб берилган.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 3,5 фоиз, саноат маҳсулотида 4,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотида 3,3 фоиз, экспортда 2,0 фоиз, хизматларда 3,1 фоиз, электр энергиясида 6,1 фоиз, табиий газда 9,7 фоиз, шағалда 9,0 фоиз, пахта толасида 6,9 фоиз ташкил қилган. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бошқа минтақаларга нисбатан, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва чакана товар айирбошлаш бўйича энг паст натижаларга эга. Минтақада саноатни юксалишига минерал хом-ашё ресурсларини ўзлаштириш, янги конларни ишга тушириш, замонавий корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва уларни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига эришилган.

Таҳлиллар шунинг кўрсатадики, 2010-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибида маълум силжишлар юз берган. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2010 йилда 9,0 фоиздан 2019 йилда 31,0 фоизгача, қишлоқ хўжалигининг улуши 25,0 фоиздан 27,3 фоизгача ошган (1-жадвал).

Қорақалпоғистон Республикасининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси, фонда¹²

Тармоқлар	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил						
	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси						
Ялпи ички маҳсулот (ЯХМ)	100	100	100	100	100	100						
Саноат	23,9	9,0	27,4	16,6	29,4	25,4	30,1	30,2	23,3	31,3	30,0	31,0
Қишлоқ хўжалиги	17,8	25,0	18,3	18,1	16,2	14,5	17,3	15,2	28,8	28,8	28,1	27,3
Қурилиш	6,4	13,0	5,7	14,4	6,6	8,3	6,8	6,9	5,1	6,3	6,4	8,4
Транспорт ва алоқа	11,4	8,5	8,3	9,8	10,6	8,5	9,8	7,4	7,3	6,1	7,7	6,0
Савдо	9,0	7,8	7,3	9,2	9,9	8,2	10,3	7,0	6,5	6,8	6,9	5,2
Бошқалар	31,5	36,7	33,0	31,9	27,3	35,1	25,7	33,3	29,0	20,7	20,9	22,1

Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ўсиш суръатлари 2010-2019 йилларда умуммамлакат кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилади (мос равишда 3,0 марта ва 2,0 марта).

Бу даврда асосий ижобий силжишлар саноат соҳасига тўғри келади. Ушбу ҳолат минтақада охириги йилларда ишга туширилган йирик газ-кимё корхоналари ҳисобига эришилган. Шунинг учун ҳам, химия саноати биринчи ўринни эгаллаб, унинг улуши 2019 йилда 66,3 фоизни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 2,5 марта ўсган. Иккинчи ўринни озиқ-овқат саноати (9,8 фоиз), учинчи ўринни текстил саноати (6,2 фоиз), тўртинчи ўринни электроэнергетика (5,4фоиз) саноат тармоғи эгаллаб келмоқда (2-жадвал).

¹² Муаллиф таълими

2-жадвал

2015-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси саноатини тармоқ структурасида ўзгаришлар динамикаси¹³

Саноат	Ялпи маҳсулот					Саноат асосий фондларининг қиймати				
	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й. к 2016й. (-,+)	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й. к 2016й. (-,+)
Саноат, шу жумладан:	100	100	100	100	-	100	100	100	100	-
Тоғ-кон саноати	4,0	3,5	3,3	4,0	0	4,8	12,6	16,5	5,1	0,3
Озиқ - овқат саноати	21,2	13,8	10,9	9,8	-11,4	0,7	0,8	1,2	10,3	9,6
Ичимликлар ишлаб чиқариш	1,5	1,1	1,1	1,1	-0,4	0,2	0,2	0,3	1,0	0,8
Текстиль	8,8	8,5	6,9	6,2	-2,6	2,8	2,5	3,1	34,4	31,6
Кийим-кечак	3,4	1,3	1,2	1,1	-2,3	0,1	0,2	0,2	1,8	1,7
Химия маҳсулотлари	46,8	59,8	62,3	66,3	19,5	85,8	76,3	69,5	1,9	-83,9
Фармацевтика	0,1	0,2	0,3	0,4	0,3	0,06	0,2	0,2	2,3	2,24
Резина ва пластмасса маҳсулотлари	0,1	0,2	0,3	0,3	0,2	0,03	0,2	0,4	4,4	4,37
Нометалл маҳсулотлар	2,7	3,2	3,8	3,2	0,5	1,0	1,2	2,5	21,1	20,1
Металлургия	0,01	0,01	0,01	0,03	0,02	0,01	0,01	0,01	0,2	0,19
Электр ускуналари	0,0	0,05	2,4	0,4	0,4	0,0	0,7	0,6	4,3	4,3
Мебель	0,4	0,3	0,4	0,4	0	0,05	0,05	0,1	0,9	0,85
Электрэнергия ишлаб чиқариш	10,3	6,6	5,5	5,4	-4,9	2,6	2,5	2,7	0,9	-1,7
Бошқа	0,69	1,44	1,59	1,37	0,68	1,85	2,54	2,69	11,4	9,55

Саноатни минтақа иқтисодиётидаги ўрнини баҳолаш мақсадида 2015-2019 йилларда ҳудудий тафовутлар ўрганилди. Баҳолашда асосий кўрсаткичлар қилиб аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш,

¹³ Муаллиф ишланмаси

инвестициялар, хизматлар, чакана савдо айланмаси ва экспорт ҳажмлари олинди ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасидаги тафовутлар ҳисобланди. 2015-2019 йилларда ЯХМ ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми бўйича ҳудудий тафовут камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилда улар мос равишда 2,8 ва 10,8 мартаги ташкил этди. Ҳисобланган бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳудудий тафовутлар ўсиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6 мартадан 9,2 мартагача, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,4 мартадан 3,6 мартага, инвестициялар 4,5 мартадан 5,7 мартагача, хизматлар ҳажми 3,9 мартадан 4,2 мартага ошган (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакатда аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар асосида ҳудудий тафовут динамикаси¹⁴, марта

Кўрсаткичлар номи	2015 й.	2018 й.	2019 й.
ЯХМ	3,2	2,8	2,8
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	7,6	9,0	9,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	2,4	3,7	3,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4,5	5,7	5,7
Жами хизматлар ҳажми	3,9	4,1	4,2
Чакана савдо айланмаси ҳажми	2,8	2,8	2,9
Экспорт ҳажми	13,9	11,8	10,2

Қорақалпоғистон Республикаси саноатига хос бўлган салоҳият ва қиёсий устуворликни баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, истикболли ривожланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда саноатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган (2-расм).

Шу асосда саноатни устувор тармоқлари аниқланган:

Енгил саноат-тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахта толасини қайта ишлашдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичларни қамраб олиш, пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантириш, соҳага замонавий электротехмакор ускуналари киритиш лозим. Стратегияга асосан 2030 йилгача ўсиш суръати 4,0 маротабага етиши мумкин.

Озиқ-овқат саноати – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу жумладан, қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ҳамда янги қувватларни яратиш, ярим тайёр маҳсулотдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш (ўсиш суръати 1,5 маротабага етади).

Фармацевтика саноати – ҳудудда деярли ривожланмаган соҳани асосий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғига айлантириш, буида дори воситаларини ишлаб чиқариш, республикада ишлаб чиқариши мавжуд бўлмаган импорт ўрнини босувчи тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш (ўсиш суръати 2,0 маротабага етади).

¹⁴ ПМТН маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари¹⁵

Қурилиш материаллари саноати - ҳудудда шиддат билан маъмурий ва уй-жой иморатларининг қурилиши ҳамда янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил қилинишини инобатга олган ҳолда кенг ассортиментли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштириш (ўсиш суръати 2,5 мартабага етади). Хусусан, ҳудудда аниқланган цемент хом-ашёси захираси 660,3 млн.тоннани ташкил этади.

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикаси саноатида кимё саноати бугунги кунда асосий йўналиш ҳисобланиб, минтақа саноатининг 60 фоиздан ошганини ташкил этади. Ҳисоб суръати 2 мартабага ошади.

Саноат ишлаб чиқаришнинг истикболдаги ҳажминини прогноزلаш ҳозирданок минтақанинг ривожланиши учун саноат сибсатининг энг мақбул вариантларини ишлаб чиқиш, саноат тармоқларининг муқобил ривожланиш йўлларини кўрсатиб бериш, тармоқларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаш ва уларнинг ривожланиш механизмлари билан боғлиқ бўлган тизимли таҳлилларни амалга ошириш имкониятларини беради.

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикаси саноатини ривожлантиришни замонавий эконометрик моделлар асосида прогноزلаш ва самарадорлигини баҳолаш” деб номланган учинчи бобида минтақада саноат корхоналарини ривожлантиришнинг солиштирма эконометрик моделлари, минтақада саноатни ривожлантириш стратегиясини комплекс сонли

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш, Қорақалпоғистон Республикасида саноатни оптимал моделлар асосида ривожлантириш истикболлари белгиланган берилган.

Диссертацияда минтақада саноатни ривожлантириш омилларини таҳлил қилиш ва прогноз қийматларини ҳисоблашда комплекс сонли эконометрик моделлардан фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган. Таҳлиллар асосида, қуйидаги комплекс сонли эконометрик модель танланган:

$$G + iC = (a_0 + ia_1)(K_0 + iK_1)^{\alpha} (L_0 + iL_1)^{1-\alpha}, \quad (1)$$

бунда: G – ялли даромад;

C – харажатлар;

K_0 – асосий капитал;

K_1 – асосий бўлмаган (ёрдамчи) капитал;

L_0 – саноатда асосий ишчилар меҳнати;

L_1 – саноатда раҳбар ишчилар меҳнати;

a_0, a_1, α – модель параметрлари.

Шунинг билан бирга: $K_0 + K_1 = K$ – ялли капитал;

$L_0 + L_1 = L$ – иш ҳақи фонди.

Берилган моделининг математик таҳлили учун комплекс сонларни таърифлашнинг экспоненциал (кўрсаткичли) шакли қулайроқдир.

Модел ёрдамида комплекс сонли меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи аниқланди.

$$A_L = \frac{G + iC}{L_0 + iL_1} = \frac{(a_0 + ia_1)(K_0 + iK_1)^{\alpha}}{(L_0 + iL_1)^{1-\alpha}}$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий қисми меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг бир бирлигига фойда ва харажатларнинг қанча бирлиги тўғри келишини, мавҳум қисми эса меҳнат харажатларининг бир бирлигига қанча харажатлар бирлиги сарфланишини кўрсатади.

Фондлар ва меҳнат кўрсаткичи бўйича эластиклик коэффициентини ҳисобланган. Асосий ва ёрдамчи капиталнинг бир вақтда бир фонизга ўзгариши G кўрсаткичининг ҳақиқий қисминини α кўрсаткичи миқдорда ўзгаришига олиб келади:

